

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Халқ таълими бўлими мудирини,
комиссия раиси

М.Жабборов

Пайариқ тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларга кўмир ташиш хизматини кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Пайариқ туман

«21» ноябр 2022 й.

Раислик қилувчи

М.Жабборов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

М. Норжигитов

Э.Мамадалиев

А.Довулов

Б.Давлатов

Комиссия аъзоси эксплуатация бўлими мутахассиси,

Комиссия аъзоси эксплуатация бўлими мутахассиси,

Комиссия аъзоси, бош иқтисодчи

Комиссия аъзоси эксплуатация бўлими мутахассиси,

О.Шагдоров

Котиб, МТЭХ бўлими бош мухандиси

КУН ТАРТИБИ:

Пайариқ тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларга кўмир ташиш хизматини кўрсатиш бўйича хизмат ишлари, бўйича.

Пайариқ тумани Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил 07 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабларга кўмир ташиш хизматини кўрсатиш ишлари бўйича №176441 лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 15 ноябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланди халқ таълими бўлимига қарашли мактабларга кўмир ташиш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “Озода-Транс” МЧЖ голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига

асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси А.Хамраевга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 15 ноябрдаги электрон баённомасига асосан ҳолиб “Озода-Транс” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Эксплуатация бўлими бошлиғига хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари


М. Жабборов

Е. Мамадолиев

Б. Давлатов

М.Норжигитов

А.Довулов



КУЙ ГАРТИДИ

Шарҳнома, комиссия Халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси А.Хамраев ва Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 15 ноябрдаги электрон баённомасига асосан ҳолиб “Озода-Транс” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

ҚАРОР ҚИЛДИ

1. Ушбу ҳужжат 2022 йил 15 ноябрдаги электрон баённомасига асосан ҳолиб “Озода-Транс” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Хизматлар кўрсатиш шартнома № 2

Пайарик тумани

(контракт тузилган жой)

2022 й

(контракт тузилган сана)

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Пайарик тумани Халк таълими булими номидан низом асосида фаолият олиб борувчи М.Жабборов бир томондан ва бундан буён “ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ” деб аталувчи «Озода ТРАНС» МЧЖ номидан низоми асосида фаолият олиб борувчи Н.Байманов бошқа томондан, ушбу контрактни қуйидагилар тўғрисида тuzдилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича “Буюртмачи” мактабларнинг кўмир ташиш хизмати ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Хизмат кўрсатувчи” пудратчи эса Буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади:

| № | Хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | миқдори | Контракт нархи | Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси) |
|---|---|---------------|---------|----------------|---|
| 1 | Пайарик тумани Халк таълими булимигага қарашли мактабларга кўмир ташиб бериш хизмати (транспортные услуга). | хизмат | 1 | 32 625 038 | 32 625 038 |
| | Жами: | | | | 32 625 038 |

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 32 625 038 (Ўттиз икки миллион олти юз йигирма беш минг ўттиз саккиз) сўмни ташкил қилади (ҚҚС билан).

1.3. Хизмат кўрсатишни бошлаш ва тугатиш муддати 20 кун:

Батафсил баёни

| | |
|---|---------------------|
| 1 | транспортные услуга |
|---|---------------------|

Алоҳида шартлар

| | |
|---|-------------------------------------|
| 1 | Сифатли хизмат кўрсатиш шarti билан |
| 2 | Олдиндан 30%и утказилади |

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни ғазначилик органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Контракт нархи жойлаштирилган элон, электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга қўшимча қилишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Хизмат кўрсатиш ишлари яқунлангандан кейин “Хизмат кўрсатувчи пудратчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат кўрсатувчига”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, кўрсатилган хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда контракт талаблар ва шартларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва контракт талаблари ва шартларига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Контрактни шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки контракт шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида ўрнагилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан аввал кўрсатилиниши мумкин.

3.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар голиби бўлган хизмат кўрсатувчи билан контракт тузиш ёки савдолар голиби бўлган хизмат кўрсатувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугалланганда кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Кўрсатилган хизматларни танлаб олмаслик, шунингдек хизмат кўрсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни хизматлари кўрсатганда, хизматлари қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат кўрсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Хизмат кўрсатувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар кўрсатилган хизматлар стандартлар, сифати, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат кўрсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлиги учун жарима хизмат кўрсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Хизматларни кўрсатиш муддати ўтказиб юборилган ёки кўрсатилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошига цўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегишли тарзда бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатини ўтказиб юборилиши ёки кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарларни коплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу контракт бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиққан ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларнинг мавжудлигига кўра томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7. КОРРУЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

Истемолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари).

Таминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва нормативе ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

9. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур контракт Пайарик тумани буйича ғазначилик бўлинмаларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган вақтдан кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

9.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

9.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Хизмат кўрсатувчи |
|---|
| Ташкилот номи : «Озода ТРАНС» МЧЖ Манзил: Пайарик тумани Телефон: - Факс: -95 507-31-52 СТИР коди: 305759087 Х/Р 20208000400923057001 Банк номи: ДТ «Халк банки» Пайарик филиали МФО: 00726 Рахбар (директор): Н.Байманов АГЕНТ |

| Буюртмачи |
|---|
| Ташкилот номи: Пайарик Халк таълими булими Манзил: Пайарик тумани Тел.: - Факс: СТИР коди: 200760846 ИФУТ: 97600 Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: 100022860182247096300075002 Ғазначилик бўлинмаси номи: Пайарик тумани бўйича Ғазначилиги бўлинмаси Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк Тошкент ш ХККМ МФО си: 00014 Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919 Рахбар : М.Жабборов |

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GJ7871038801

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: "OZODA-TRANS" MCHJ o'rtasida xizmat ko'rsatish shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Payariq tuman xalq ta'limi tomonidan 17.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Payariq tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.F.Eshquvvatov

19.11.2022